

Нафс - инсоннинг асосий душмани



21:00 / 13.07.2019 3570

Аслида инсон нафсига ўзини беадабларча тутишлик хосдир. Шунинг учун ҳам у бандага буюрилган ахлоқий меъёрларнинг риоясига қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Нафс - инсоннинг ажралмас душмани. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат этадилар:

«Энг қаттол душманингиз икки томонингиз орасидаги нафсингиздир» (Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Ихёу улумид-дин», Ажлунийнинг «Кашфул ҳафа», Ибн Одилнинг «Тафсири Лубоб» китобида шунга ўхшаш маънода келган).

Шу сабабдан ҳам ким нафсининг хоҳишларига, ҳою ҳавасларига эрк берса, ўзини ҳалок қилишда нафсига шерик бўлади. Бу ҳақиқатни яхши билган тақводорлар ҳар бир гуноҳ, лоқайдлик, ширк, ҳою ҳаваснинг асоси нафсдан мамнун бўлишликдан ва ҳар қандай тоат, огоҳлик ва

ҳаромлардан тийилишнинг асоси эса нафсидан норозиликдан келиб чиқишини уқтириб ўтишган.

Аллоҳнинг лутфу эҳсонига умид боғлаб қилинган кичкина амал ўзига ишониб бажарилган кўп (катта) ишдан афзалдир.

Нафснинг асл моҳиятини билиб олган ақлли инсон унинг қанчалик паст, хору залил, ожиз ва ҳалок бўлишга маҳкум эканини англаши баробарида ўзини яратган Холиқини Иззат, Бақо, Қудрат, Азамат ва Улуғ сифатлари билан таний бошлайди. Чунки У ўша нафсни яратган ва уни йўқдан бор қилган Парвардигордир.

Аллоҳ авлиёларга марҳамат қилиб, уларни Ўзига яқин келишга даъват этар экан, улар учун энг қисқа ва энг қулай йўлни ҳам кўрсатди. Бу йўл эса нафсга қарши бориш йўлидир.

Аллоҳ севиқли бандаларидан бирининг тушида шундай марҳамат қилади:

«Нафсингга адоват қил, чунки Менинг салтанатимда ундан бошқа Мен билан тортишадиган яратиқ йўқдир».

Нафс ҳар доим Аллоҳ таолонинг кибр, буюклик ва кишилар устидан ҳукмронлик каби сифатларини эгаллашга интилиб келади. Ваҳоланки, бундай сифатлар фақат Аллоҳ таологагина хос. Аллоҳ Ўзига нолойиқ барча қусур ва нуқсонлардан пок!

«Hilol» журнали, 1- сонидан олинди